# МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА ТАРИХ САБОҚЛАРИ

Боши биринчи бетда

Ўзбек ва Ўрта Осиёнинг бошқа тилларини ўрганган ҳолда, Ўзбекистон архивларида ишлаш имконига эга бўлган бу тадқиқотчилар Ватанимиз тарихининг турли муаммолари ва даврлари ҳақида ўзларининг ҳалол, асосли фикрларини билдирмоқдалар. Улар жумласига И. Балдауф ва Б. Фрагнер (Германия), К. Кубо, Э. Мано, Х. Комацу (Япония), Ш. Аникер, О. Бертон, Д. Кондаетти (Буюк Британия), Тураж Атабаки (Голландия), В. Форню, П. Шувен, К. Фужол, Ф. Брисан, Л. Керен (Франция), Дж. Гросс, Р. Макчезни, Э. Олворт, Д. Девич, Д. Абрамсон, А. Азада-Рорлих, М. Камп (АҚШ), М. Субтелни (Канада), Ш. Акбарзаде (Австралия) сингари таниқли олимларни киритиш мумкин. Бу муаллифлар асарларида бутун диққат-эътиборини Ўрта Осиё халқлари, шу жумладан, ўзбек халқи тараққиётининг миллий ўзига хослигига қаратиб, илмий муаммоларни, ҳеч қандай ғаразли танқидларсиз, имкон борича объектив тарзда ёритадилар.

Тарихда миллий ғоя қадимдан бошланади ва давлатчилик шаклида намоён бўлади. Давлатчиликнинг ўзи, уни ташкил қилиш, тараққий эттириш ва кенгайтиришга бўлган ҳаракат маълум миллат ёки халқ манфаатларига бўйсундирилган ҳаракатдир. Бу ғоя Ўрта Осиёда, айниқса, XX асрда тўлақонли намоён бўлди. Бу ҳудудда 1991 йилда мустақил давлатларнинг тинч йўл билан вужудга келиши тарих феноменидир. Албатта, бу ҳодиса тасодифий ҳол эмас, балки тарихий тараққиётнинг илгариги босқичлари, халқларнинг ўз мустақилликлари учун курашлари замирида юзага келган қонуният натижаси эди.

Миллий ғоя ҳақида фикр юритарканмиз, яқин ўтмишимизга — ҳали биздан асрлар қаърига йироқ кетмаган яқин тарихимизга мурожаат этайлик. Ўзбекистоннинг XX аср тарихи бир бутун яхлит жараён бўлиб, унда жаҳон миқёсида аҳамиятга молик воқеалар Ўрта Осиё воқелиги билан уйғунлашиб кетди. Оқибатда, бу ҳолат нафақат Ўзбекистон тараққиётига, балки сиёсий кучларнинг Шарқ ва Ғарбда жойлашиш тартибига ҳам таъсир этмай қолмади. Ўлканинг икки империя даврида қарамликка тушиши ҳудудда миллий ғоя, бирлашишга бўлган ҳаракатларни йўққа чиқармади. Аксинча, у бирлашиш зарурлиги ҳиссини ва бу ҳис ёркин намоён бўлган миллий озодлик ҳаракатлари, чор амалдорлари зўравонлигига қарши қўзғолонларни келтириб чиқарди. Бу даврда ривожланган жадидчилик ҳаракати жаҳон аҳамиятига молик воқеа даражасига ўсиб чиқди. Республика Президенти И. А. Каримов бу миллий озодлик ҳаракати ва унинг намоёндаларини юксак эҳтиром билан тилга олиши бежиз эмас.

Айнан колониализм даврида, бу маданият устидан иккинчисининг ҳукмрон бўлиши аҳолига ёт турмуш тарзининг зўрлик билан маҳаллий шароитларга татбиқ этилиши, миллий-анъанавий ҳаёт асосларини менсимаслик сиёсати миллий ўз-ўзини англаш жараёнини тезлаштирди. Бунда биринчи навбатда қолоқликнинг бутун моҳиятини тўғри тушунган ва халқ манфаатлари нуқтаи назаридан фикр юрита оладиган илғор зиёлиларнинг роли беқиёс бўлди. Бу ўринда биз жадидлар дунёқарашидаги миллий ғоя ҳақида гапира оламизми? Шубҳасиз! Жадидлар қарашларидаги миллий ғоялар қуйидагилардан иборат эди: қолоқлик ва турмушдаги консерватизм билан кураш; миллийликни сақлаган ҳолда, ҳамма соҳаларда маориф, маданият ва санъатнинг янги турларини, янги ҳаётий қарашларни жорий этиш, аҳолига тарихий онгни сингдириш каби ислоҳотларни ўтказиш ва ҳ.к. Буларнинг ҳаммаси охир-оқибатда сиёсий ислоҳотлар ўтказиш зарурлигини тушунишга, қўйилган вазифаларни бажариш учун мустақиллик зарурлигини англашга олиб келди. Беҳбудий, Чўлпон, Авлоний, Фитрат ва бир қатор бошқа жадидлар асарларига асосланган ҳолда биз уларнинг миллий ғоясининг ўзаги халқни бирлаштириш ғояси бўлганлигини кўрсатишимиз мумкин. Беҳбудий шундай ёзган эди: «Агарда биз Туркистон мусулмонлари хоҳласакки, дин ва миллатимизни иттифоқ этиб, бугундан ислоҳотга, иттифоққа қадам қўйсак, зиёли ва тараққийпарварларимиз, бой ва уламоларимиз бирлашиб, дин ва миллат, ватан ривожи учун хизмат этсак, шунда биз бошқаларга қарам бўлмаймиз». Жадидларнинг фалсафий-тарихий қарашларида муҳим ўрин тутган ғоялардан бири шуки, жамият ва миллатнинг тақдири унинг ҳар бир аъзосининг тафаккурига боғлиқ. Бу ғоя Фитратнинг «Манфаат надур?» номли мақоласида ўзининг ёркин ифодасини топган. «Манфаат талаби аслида Бани Одамнинг фитрий, табиий хислатидир. Икки навъ бўлур: умумий ва хусусий. Умумий манфаат шундайки, бир миллат биргаликда фойда оладилар, яъни зарардан биргаликда халос бўладилар. Буни миллат манфаати ҳам дейилур. Хусусий манфаат шахсий миллатнинг бир фардига тегадиган фойда ёки зарардир. Одамлар манфаат қуришда ҳар хил фикрга эгадирлар. Баъзи одамлар шахсий манфаатларини миллий манфаат заминида қурадилар ва миллат манфаати бўлмаса, уни тарк этадилар. Айтадиларки, агар миллатимизнинг аксарияти саодат ва тинчликка етишсалар, шубҳасиз биз ҳам саодат ва тинчликка эришамиз. Лекин шахсиятимизга теккан бахт ва тинчлик аҳамияти бўлмай, фойда эмас, балки заволдир. Шунинг учун, бу жамоа қанча кучи бўлса, миллатлар манфаатига эришмоқ учун ҳаракат қиладилар. Шу йўлда бошларига тушадиган ҳар қандай оғир меҳнат ва мушкулотларни очиқ кўнгил билан қабул қиладилар. Қайси миллатнинг ичида шундай фидокорлар кўп бўлса, бундай миллатнинг ҳаёти ва баҳоси кўпроқ бўладур, қайси миллатнинг бошида фидокор шахслар кам бўлса, бу миллатнинг ҳалокати ва нобудлиги ҳам яқин бўлур». («Ойна», 1913, №4, 6).

Яна бир муҳим масала — динни тўғри қабул қилиш, тушуниш ва тадбиқ этиш масаласи. 85 йил бурун Туркистоннинг ниҳоятда оғир шароитида динда мутаассиблик авж олган бир пайтда жадидлар бу масалани кўтаришга журъат этганлар. Исломни тушунишни ислоҳ қилиш борасида жадидлар кўп иш қилдилар. Одамларни диний ақидаларга кўр-кўрона ишонишдан қайтардилар. Худо инсонга ўзини ҳар томонлама намоён қилиш учун барча имкониятларни берган ва шунинг учун инсон ўзи яшайдиган жамиятни такомиллаштириб бориши зарур. Эътиқоднинг асосий моҳияти мана шунда деб таъкидлаб бердилар. Фитрат шундай ёзади: «Оллоҳ инсонга энг буюк қудрат ва зўр қурол ато қилган. Инсон унинг ёрдамида оламни забт этиб, ўз итоатига киритмоғи мумкин эди. Бу қудрат ва қурол нима эди? АҚЛ!» (А.Фитрат. «Ҳаёт ва ғояси», «Ойна», 1913, № 8.) У вақтда бундай фикр юритиш — жасурлик эди. Тарихимизни кузатар эканмиз, халқ орасидаги диний тушунчаларнинг урф-одатлар, замонавий анъаналар билан уйғунлашуви бу миллий хусусиятларидан бири деб хулоса қиламиз.

Жадидлар миллий ғоясининг яна муҳим жиҳатларидан бири тарихий онгни ривожлантиришдан иборат эди. Беҳбудийнинг «Тарих ва жуғрофия» асарида бу ҳақида батафсил айтилган. У: «Паст қолган ва ё тараққий қилган халқларни, жаҳонгир бўлган давлат ё нопадид бўлган ҳукуматларни билмоқ учун тарих ўқумоқ керак. Мусулмонлик қандай кўпайди ва тараққий этди ва алъон на учун мусулмонлар таназзул этдилар? Ва иложи худдорий ва тараққий надур? Муни билмоқ учун тарих ўқумоқ керак...

Чунки ҳар нимарса ва шунинг асли ва насли тарихидан билинур», — деб ёзган эди.

Лекин тараққиётга эришиш учун биринчи навбатда ўзаро келишмовчиликлардан қутулиш керак эди. Беҳбудийнинг сўзича, ички келишмовчиликлар тобелик ва мустамлака тизимининг кучайишига олиб келади. Жадидлар миллат сўзини кўп ишлатиб, уни халқ маъносида қўллаганлар. Улар мустамлакачилик зулми остида эзилиб келган халқ оммасининг оғир ижтимоий аҳволи ва Туркистоннинг жаҳоннинг иқтисодий тараққий этган мамлакатларидан анча орқада қолиши сабабларини тушунган ҳолда, уни маърифатга ундадилар ва ислоҳотларга қадам қўйдилар. Уларнинг асарлари изтироб ва куюниш туйғулари билан суғорилган. Масалан, Авлоний «Биз миллат», «Миллат ҳолиндан бир яъс», «Ўз миллатидан рижойи ожизонам», «Миллат ҳолиндан бир нигор сўз», «Миллат ҳайкалига хитоб», «Миллатга хитоб», «Миллатга салом» шеърларида, Тавалло (Тўлаган Хўжамиёров) «Уёнмаз эрса миллат», «Миллат савдоси», «Кел, эй миллат», «Йиғла, миллат қон тўкуб», «Севинч хабар вера миллат», «Нечун миллат» шеърларида, Беҳбудий «Ҳақ олинур, берилмас», «Ёшларга мурожаат», Фитрат ва Чўлпон қатор асарларида миллат равнақи, унинг қолоқлиги сабабларини бартараф этиш масалаларини кўтарганлар. Авлоний:

**«Кўзларинг оч миллат, кўп**
**замон ғофил ётдинг,**
**Умринг ўтда ёнмоқда,**
**қайғуга тоза ботдинг,**
**Кетди шону-шарафинг,**
**мозор тошидек қотдинг».**
**деб ёзса,**

Тавалло унга ҳамоҳанг:

**«Кел, эй миллат, кўзинг**
**оч, сен ҳам оламни**
**томошо қил.**
**Кўтар бошингни бидъат**
**лойидин, ўзни мусаффо**
**қил.**
**Тузуб ширкат, ўқутуб,**
**миллат ўғлин хотирин жо**
**қил,**
**Ғаниматдур бу фурсат**
**зарраи оламга парво**
**қил»** —

дея халқни уйғотишга ҳаракат қилганлар.

Жадидлар тараққиётга фақат тинчлик йўли билан, парламент орқали эришишни лозим топганлар. Ўзбек халқининг тинчликсевар тотувликка интилиши ва ўзига хос миллий менталитети, хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда улар тинч йўл билан петициялар, намойишлар уюштиришга, давлат Думасида очиқ чиқишлар ва турли-туман рухсат этилган восита ва имкониятлардан фойдаланиб, чор ҳукуматидан ўз халқи манфаати учун сиёсий ҳуқуқларни талаб қилишга, Туркистон миллий тараққиёти учун объектив ҳаётий талабларга жавоб берувчи имкониятни яратишга ҳаракат қилганлар. Бу ҳам миллий ғоянинг бир хусусияти бўлган дейиш мумкин. Қон тўкилишлар, ҳарбий қуролли тўқнашувларга қарши бўлсалар ҳам, жадидларнинг шиори «Ҳақ олинур, берилмас»дан иборат эди. Бу жумла ўзида фаоллик, шижоат ва фидойиликни ифода этган. 1917 йилда вақтли ҳукумат миллий автономияни ўз хоҳиши билан бермаслигига кўзи етган жадидлар Қўқонда «Туркистон мухториятини» эълон қилдилар.

Миллий-тараққийпарвар ҳаракатнинг бостирилиши, болшевиклар томонидан Туркистон мухториятининг тугатилиши билан тоталитар тузумнинг барча даҳшатларини ўзида синаб кўрган халқ тарихи, «совет» тарихи бошланади. «Миллий ғоя» тушунчаси учун бу тарихдан биз нималарни олишимиз мумкин? Биринчи навбатда сиёсий таъқиб ва тўсиқларга қарамай одамларнинг кундалик турмуши ва маънавий ҳаётида кўп асрлик миллий анъаналарга муносабатнинг ўзгармаганлиги ҳамда ўзбек халқ бирлиги ҳиссининг сақланиб қолганлигини кўрсатиш мумкин. Расмий мафкура томонидан миллатнинг иккиламчилиги ҳақидаги қарашнинг тарғиб этилиши доим яширинча қаршиликка учради. Миллий-маданий мерос ташқаридан қараганда гўё қўллаб-қувватланаётгандек кўрсатиларди. Аслида юзаки бу қўллаб-қувватлаш остида рус шовинизми жорий этилди. Миллий тарих камситилди. Шовинизм қолипига солиб ўрганилди. Айниқса бу компания 80-йилларда кенг тус олди. Ўрта Осиё халқларининг ўтмишдаги ва замонавий ютуқлари совет миллий сиёсати тантанасини кўрсатувчи мезон сифатида баҳоланди. СССРдаги тил сиёсати — рус тилини билишнинг мажбурийлиги маҳаллий тиллар тараққиётига раҳна солди. Буларнинг ҳаммаси албатта тарихий онгнинг шаклланишига салбий таъсир кўрсатди. Бу сиёсатнинг оқибатлари бугунда ҳам намоён бўлмоқда. «Совет тарбияси»да шаклланган катта авлодга мансуб кишиларнинг кўпчилиги кучли давлатчилик анъаналарига эга бўлган Ўзбекистоннинг узоқ тарихидан аниқ тасаввурга эга эмаслар.

Юқорида билдирилган барча фикрлар қуйидагича хулосани қилишга имкон беради. Миллий ғоя — миллий мафкуравий асосга таянадиган халқнинг ўз тараққиёт йўлидир. Шунинг учун, миллий ғоя концепциясини яратиш мақсади олимлардан, айниқса ижтимоий-гуманитар соҳасида иш юритувчи тадқиқотчилардан, хусусан тарихчилардан, Ўзбекистон тарихида қадимдан ҳозирги давргача бир неча тушунчаларни у ёки бу кўринишларда ўрганишни тақозо этади. Масалан, миллий ғурур, давлат қурилиши миллий хусусиятлари ва услублари, хўжалик формалари, маънавиятнинг ўзига хос миллий анъаналари, шу билан бирга тарихий тафаккур ва тарихий онгнинг ҳар бир даврда ривожланиши ёки бунга тўсқинлик қилган омиллар сабабларини ўрганиш зарур.

Тарихий даврлар ичида миллий гармония: яъни тинчлик, миллатнинг мамлакатини такомиллаштиришдаги ўрнини англаб етиш, бошқа миллатларни ҳурмат қилиш, кўп миллатлилик тажрибаларининг мавжудлиги, миллатлар ва мамлакатнинг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда тараққиёт йўналишларининг белгилаб олиниши, халқаро ҳамжамиятда муносиб ўринни эгаллаш йўлидаги интилишлар — жиддий тадқиқот манбалари каби қарашни тақозо этади.

Маънавият, мафкура, диний қарашлар: бу соҳалар орасидаги консенсуснинг ўзига хослиги, улар ўртасидаги қарама-қаршиликнинг йўқлиги нималарга боғлиқ? Бу муаммоларни тарихан кузатган ҳолда тарихчилар миллий ғоя концепциясини тузишга ўз ҳиссасини қўшишлари мумкин.

Миллий ғояга оид илмий қарашлар тизимини янада ривожлантириш Ўзбекистонда маънавият ривожига ва тараққиётига туртки бўлади. Шунингдек, у жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлган Ўзбекистонда мустақилликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш ишига тўла хизмат қилади.

**Дилором АЛИМОВА,**
**тарих фанлари доктори**



**Қиз қалбининг қувончи порлар,**
**Новдаларда минг баҳор чорлар…**

# ЗАРМИТАН ҚАТИҒИ

*ёхуд ривоят, имконият ва муаммолар*

Зармитан қишлоғининг довруғини нафақат Қизилтепа туманида, балки бутун Зарафшон воҳасида ҳамма билади. Аҳолиси гавжум бу гўша азалдан ҳунармандлар маскани бўлиб келган. Бугунги кунда ҳам ушбу анъаналар давом эттирилмоқда. Бу ҳақда кекса муаллим Ҳасанбобо Ёқубов менга қуйидагиларни сўйлаб берди:

— Қадимда қишлоғимизда газлама, хусусан, олача тўқиш, кулолчилик, темирчилик кенг ривожланган эди. Неъмат Отаев, Насриддин Наврўзов, Амри Акромов, уста Мурод, уста Азим, уста Назрулла каби ҳунармандлар номи эл ёдида муҳрланиб қолган. Зармитанлик моҳир қўллар жило берган турли-туман матолар, пиёла, коса, товоқ, лаган, кўза сингари сопол идишлар, сандиқлар, тандирлар, ўроқ, болта, тешалар Ғиждувон, Бухоро, Қарши, ҳатто, Қаттақўрғону Самарқанд бозорларида ҳам сотилган. Абдулла Гадоев, Раҳим Раҳматов, Аҳад Акромовлар ота-боболарининг анъаналарини давом эттиряптилар.

Ҳасан бобо шўро ҳокимияти йилларида ҳунармандчиликка эътибор сусайиб кетганлигини афсус билан тилга олди.

Дарҳақиқат, йигирманчи йиллар охири ва ўттизинчи йиллар бошида қишлоқ ҳунармандларининг қулоқ деб қувғин қилиниши, коллективлаштириш ва артеллар тузиш ҳаракати қадимий касб-қорлардан аксариятининг изсиз йўқолишига сабаб бўлди. Зармитандан 60 километр олисдаги Ғиждувонда артел очиб, барча ҳунармандларни ўша жойда тўплаш учун олиб борилган иш тамомила хато эди. Чунки уй-жойини, болачақасини ташлаб ким ҳам шунча узоққа бориб ишлар эди, дейсиз? Бунинг устига, якка тартибда ҳунармандчилик билан шуғулланиш таъқиқлаб қўйилган эди. Оқибатда жуда кўп жойларда, жумладан, Зармитанда ҳам турли касб-корлар унутилиб, йўқолиб кетди.

— Лекин шунга қарамай, — дея суҳбатга қўшилди қишлоқ оқсоқолларидан Дониёр Отаев, — қатиқ ивитиш санъати ҳамон яшаб келмоқда. Бунинг асосий сабаби шундаки, Зармитан қатиғи дунёнинг бошқа бирор бир ҳудудида йўқ. Уни ивитишнинг сир-асрорини кўплар ҳатто билмайдилар ҳам. Ҳикоя қилишларича, ўтмишда қўшни қишлоқлардан, ҳатто узоқ-узоқ вилоятлардан кишилар ана шу қатиқдан баҳраманд бўлиш учун бу ерга ташриф буюришган. Кексаларнинг айтишларича, инқилобдан аввал ҳар кун эрталаб махсус чопарлар ёрдамида Бухоро амири нонуштаси учун Зармитан қатиғи етказиб берилар экан.

— Бухоро билан Зармитан қишлоғи ораси салкам 15 чақиримлик йўл. Агар масофани эътиборга оладиган бўлсак, ҳукмронга тортиқ қилиш учун юборилган қатиқ йўлда айниб қолмасмикин? — деб сўрайман суҳбатдошларимдан. Улар бунга жавобан менга Зармитан қатиғининг ўзига хос хусусиятлари, уни ивитишнинг бир неча юз йил сир сақланган усуллари ва ниҳоят шу борадаги афсона ҳамда ҳақиқатни айтиб бердилар. Ровийлар айтган бир афсонада Зармитаннинг кун чиқаридан оқиб ўтувчи ариқнинг нариги томонида Гулҳовуз деган кичик қишлоқча бўлиб, бир чоғлар бу ерда Баҳовуддин Нақшбанд истиқомат қилар экан. Кунларнинг бирида гулҳовузлик йигитлар ул зотнинг бузоғини ўғирлайдилар ва уни сўядилар. Зиёфатга эса бузоқ эгасини ҳам таклиф этишибди. У киши зиёфатга борсалар-да, дастурхонга қўл чўзмабдилар.

— Нега гўштдан емаяпсиз? — деб сўрашибди мезбонлар.

— Мен ўғирланган гўштни ейишдан ҳазар қиламан.

Йигитлар бир-бировига маъноли қараб олгач: «Бизга туҳмат қилаяпсиз», — дея меҳмонга танбеҳ бермоқчи бўлишибди. Баҳовуддин ҳазратлари эса ҳеч иккиланмай:

— Буни исботлаш осон, — дебдилар. — Мен ҳозир бузоғимни чақирсам, у сизларнинг ошқозонингизда бўлса ҳам маъраши тайин.

Гулҳовузлик йигитлар бу гапга шубҳа билан қарашибди. Шунда Баҳовуддин бузоқни чақирган экан, даврадагиларнинг қорнида бузоқ бўкира бошлабди. Давра аҳли аввал бу ҳолдан лол қолибди, сўнг меҳмоннинг оёғига йиқилиб, тавба-тазарру қилибди.

Муҳаммад Баҳовуддин даврадан қўзғалаётиб, бузоқ ўғриларига қўшни Зармитан қишлоғининг саховатли, софдил одамларини ибрат қилиб кўрсатибдилар ва «Зармитан зар гардад, журғоташ қанд гардад», яъни «Зармитан зарга кўмилсин, унинг қатиғи қанддек бўлсин» дея дуо айтганмишлар. Шу-шу Зармитан қатиғи довруқли бўлиб келганмиш.

Бу энди бир афсона. Ҳозир эса Зармитан қишлоғида мингга яқин оила яшайди. Бироқ барча оилаларда ҳам бир хил сифатда қатиқ тайёрланмайди. Уни тайёрлашнинг ҳам ўз усталари бор. Қадимда қатиқ ивитиш бобида довруғ таратган кишиларнинг ҳунарини пухта эгаллаб олган Бибиражаб Қурбонова, Саодат Иброҳимова, Робия Ёдгорова, Ҳанифа Асадовалар доимо иззат-икромда. Уларнинг эътирофича, орик ёки янги туққан сигирнинг сути қатиқ учун ярамайди. Сигир туққандан кейин бир ярим, икки ой ўтгач, унинг сутидан қатиқ учун фойдаланиш мумкин. Шунда ҳам жуда оддий бўлиб кўринган қоидаларга тўла амал қилиш шарт. Қаймоғи олинмаган сут оддий ўчоқда қайнатилади. Қайнатиш жараёнида уни шопириб туришга тўғри келади. Сўнгра бироз совутиб яна қайнатгач, илиқ ҳолга келгунча кутиш керак. Шундан кейин сут сопол косага (ҳа, фақат сопол косага) қуйилиб, унга қўр солинадию, чамаси икки-уч соат иссиқ мато билан ўраб қўйилади. Шундан сўнг қатиқ устига икки қаватли дока ёки сурпдан бўлган мато ташлаб, ўн-ўн бир соат сақланади. Мато сут таркибидаги сувни шимиб олади. Ана шу тахлитда ивитилган хуштаъм, роҳатбахш ва шифобахш қатиқ косани тўнтарганда ҳам асло тўкилмайди.

Чорвачилик мутахассиси Шавкат Камоловнинг бу хусусда ўз таклифи бор, жумладан шундай дейди: «Қишлоқ марказидаги ошхонада ва Азизобод бозорида ҳар куни ўртача 150—200 коса қатиқ сотилмоқда. Бундан ташқари, баъзи бир хонадонларда ўз оилалари эҳтиёжи учун ҳам қатиқ тайёрланади. Зармитан қатиғидан катта даромад олиш учун энг аввало сопол идишлар (коса, пиёла) ясашни йўлга қўйиш лозим. Менимча, ҳатто Бухородаги хорижий меҳмонлар яшайдиган меҳмонхона маъмурияти билан шартнома тузиб, келадиган сайёҳларга қатиқ сотишдан валюта ишлаш ҳам мумкин».

Бу фикрда жон бор. Ҳар кун узоқ-яқиндан келиб, Зармитан қатиғини излаб юрувчилар ҳам оз эмас. Қизилтепанинг қайси хонадонига азиз меҳмон келса, мезбонлар ўз биродарларини Зармитан қатиғи билан сийлашга интиладилар. Афсуски, ҳар доим ҳам уни топиш имкони бўлади, деб айтолмаймиз. Демак, унга эҳтиёж катта. Хўш, шундай экан, нега бу муаммо билан жиддий шуғулланилмаяпти? Қишлоқда бир эмас, бир нечта ошхона, чойхона, колхоз бозори ишлаб турибди. Сут қаҳат эмас. Қорамолчилик фермасида, чорвачилик фермер хўжаликларида етиштирилаётган сутнинг ақалли ўндан бир қисмидан қатиқ ивитилса, олам гулистон. У арзон нарх билан сотилганда ҳам, катта даромад олиш мумкин, деб ўйлаймиз. Бундан ташқари, шифобахш сут-қатиқ маҳсулотлари барча бойликдан-да устун турувчи соғлигимизни мустаҳкамлайди. Соғлом халқгина ўз келажагини ўзи қуришга қодир.

**Умид САТТОРОВ**
**Қизилтепа**

*Тикланиш одамлари*

# ХОЛИҚУЛ АКАНИНГ ХАЗИНАЛАРИ

Кўпдан бери ҳайрат нелигини билмай юрган эдим. Мудом кўз билан кўриб, қулоқ орқали эшитганларим-ҳамма ёппасига бойлик тўплашга киришиб кетиб, ўз манфаатидан бошқасини ўйламаётгандек. Гўё бу кўҳна дунё мудроқликка чўмиб, инсон илм-маърифатнинг ҳаётбахш нурларидан бебаҳра қолаётгандек безовта бир кайфият баъзан вужудни чулғаб олади. Шунда бирор иши бароридан келиб, бир сўм пул топса, уни 2 сўмга айлантириш илинжида бош қотираётган, тирикчилик кўйига тушиб кетаётган, оғилдаги мол-ҳолининг салмоғию, пўлат сандиғининг учдан икки қисмини бежаган зебу зийнатларига ҳузур билан термулиб роҳат олаётган баъзи кишиларнинг қиёфаси кўз олдимда гавдаланаверади. Бинобарин, рўзғорининг эртасини ўйлаб, бутун жисмоний қувватини-ю, ақл-идроки ва тафаккурини маълум бир муассасада ишлаб, эл-юрт манфаати ва равнақи йўлида сарфлаётган оддий бир фуқаронинг хизматлари, албатта, бундай қарашлардан мустасно.

Шундай кайфиятлар оғушида юрган кунларимнинг бирида тасаввурларим тумандай тарқади: замоннинг одамлари ҳақидаги янгича қарашларни кашф қилдим.

...Агар мендан «Эл-юрт манфаатларини ўз манфаатларидан устун қўя оладиган одамлар кўпми?» дея сўрасалар, ҳеч иккиланмай «Ҳа!» деб жавоб берган бўлардим. Ҳа, ҳақиқатан ҳам, орамизда шундай кишилар бор. Она юртга муҳаббат, Ватанга садоқат туйғуси қон-қонига сингиб кетган фидойи кишилар бугун Сурхон воҳасида истаганча топилади. Таъбир жоиз бўлса, шўрчилик Холиқул Бўронов ҳам ана шундай фидойи инсонлардан.

«Хўш, Холиқул ака ким?» деб сўрарсиз. Шўрчи туманидаги «Толли» жамоа хўжалигида умргузаронлик қилаётган, умрининг 66 баҳоридан қарийб 30 йилини халқ таълими соҳасига бағишлаган Холиқул аканинг ҳаёт йўли чиндан-да, кўпларга ибрат бўлгулик бир ҳикмат билан йўғрилган. Холиқул аканинг беғубор болалиги, навқирон йигитлик даври ўзи туғилиб вояга етган Денов тумани Хайробод қишлоғи кенгликларида кечди. Кейинги ҳаёт йўли — икки йиллик Термиз педагогика билим юртидаги дастлабки таҳсил тақдир тақозоси билан Белоруссияда ўтган ҳарбий хизмат майдонидан Бухоро педагогика олий билимгоҳининг жўшқин қучоғига ўзгача бир мазмун билан кўчди, умр китобининг зарварақларини безади.

Холиқул Бўронов бугун кексалик нафақасини олиб, ёнбошлаб ётадиган ёшда бўлишига қарамасдан, «Ҳаракатда — баракат» шиорига амал қилиб келади. Узоқ йиллик таълим-тарбия ишлари тағин-да у кишини серғалва ҳаёт гирдобига тортаверади. Аниқроқ айтадиган бўлсак, Холиқул аканинг мактабдан узилганига кўп йиллар бўлганига қарамасдан ўй-фикри, кўнглининг ярми ўша ерда. Мактаб жамоаси меҳри, ўнлаб шогирдлар эҳтироми уни мактаб ҳовлисига бошлайди. Таъриф шуки, Холиқул ака мактабдан узоқлашган бўлса ҳам ижоддан, изланишдан тўхтагани йўқ.

1972 йил кўчиб келиб, «Толли» қишлоғини ватан тутган Холиқул ака турмуш ўртоғи Рўзихол Жумаева билан Бухоро педагогика олий билимгоҳида сабоқдош бўлганларидек, ёстиқдош бўлиб, бир мактабда иш фаолиятларини давом эттирдилар.

Холиқул аканинг меҳнатда тиришқоқлиги, кўп қиррали ижодий салоҳияти, иқтидори мазмун ва таърифга бой. Холиқул аканинг бир яхши жиҳати, турли хил қўғирчоқлар, халқ амалий санъатига доир тақинчоқлар ва макетлар ясашни, қамишдан саватт, чий, бўйра сингари турмушга асқотадиган буюмлар тўқишни хўп дўндиради. Исботи: яқинда мактаб жамоасига яқиндан ёрдам бериш ниятида соҳибқирон А. Темур лашкарлари кийиб жангга кирадиган бош кийими — дубулға, қалқон ва найза каби аскарлар яроғини ясаб, тақдим қилди. Баъзида илҳоми жўшиб шеърлар машқ қилади.

Тиниб-тинчимас Холиқул ака шу кунга қадар ўз педагогик фаолиятига доир 60 га яқин турли хил албомлар тузди. Ўзбекистон мустақиллиги, хусусан, Сурхондарё тарихи ва табиатидан сўйлагувчи албомларда алоҳида меҳр тафтини туясиз.

1972 йил Холиқул ака ўз уйида бир хонадан иборат мўъжазгина уй-музей ташкил қилди. Музейни мактаб ўқувчилари қўллашди. Дастлаб бор-йўғи 3—4 тагина экспонати бўлган музей ўқувчиларнинг тиришқоқлиги туфайли тез фурсатда бойиди. Унда нималар йўқ дейсиз: амалий санъатга доир осори-атиқалар: тақинчоқлар, миллий кийим-кечаклар, эски уй-рўзғор буюмлари, иш қуроллари ва тарихий топилмалар музейнинг бойлиги. Бу ерга кирган одам чопон, паранжи, тўқима иштон (эркаклар кийими), марсак (аёллар кийими), желак, кўйлак, ойнахолта (келинларнинг бисоти) сақланади, оттўрва, туз тўрва, қошиқлов (қошиқтўрва), омоч, қора уй эрганаги, бўйра, куви, кели, тулуп (мол терисидан ишланган, сув ва ёғ солишга мўлжалланган меш), қўлоғоч, от эгари, бўйинтуруқ, от араванинг ғилдираги, сават, ёғочдан ишланган чарх, хоскапа, олачиқ, чилим, жун тароқ, елпиғич, рўзғор тарозиси, толкоса-ю қошиқлар ва бошқа неча турли ажиб рўзғор буюмларини кўриб ҳайратланасиз.

— Шу ёғоч сандиқ момомдан қолган. Қаранг, 100 йилни қаритган бўлса ҳам ҳали мустаҳкам, — дея бир сарғайган сандиққа ишора қилади Рўзихол Жумаева ва шифтга узунасига, ёнламасига осиб чиқилган тақинчоқларни номма-ном санайди. — Мана бу «чинмаржон», танга тақинчоқлар, «беш оёқли маммади», уйсирға, буларнинг тури 50—60 дан ҳам кўпроқ.

Дастлаб уй-музейга қадам қўйганингизда Хайробод қишлоғи атрофидан топилган 2 та 50—60 литр сиғимли улкан кўзага нигоҳингиз тушади. Кўзаларга яқин келиб қарасангиз, «Ичига бемалол барваста бир одам кириб ўтирса бўларкан», дейсиз. Хилма-хил ялтироқ ва ажабтовур шаклдаги тошлар... Оғиз қисмида кўчқорнинг шохдор боши тасвирланган кўза... 40—50 чоғли сопол кўзалар, 20 га яқин офтоба ва кўза шаклидаги мис идишлар музей пештахталарида бир текис саф торган. Мана, қадимий сопол ва мисдан ишланган қорачироқлар қорайиб, мунғайиб турибди. Ва ниҳоят, хавотир тўла маъсум кўзларини тикканча Будда ҳайкали сизга пешвоз чиқиб келади... Уй безаклари, қўғирчоқлар ўзга бир пештахтада иноқлик билан равон сафга тизилган.

...Кўҳна Турон элининг зебо малакларига зеб бўлган исирғалар, кўкрак ва қўл тақинчоқлари исён кўтаради: шифтда 2—3 қатор бўлиб ипларга тизилиб арғамчи учади: «Йўқ, кулоллар меҳнати маҳсули — кўза ва бошқа буюмлардан кўра ўн чандон яшовчанроқмиз». Истиҳола қилган индамас кўзалар қорин бўшлиқларида тақинчоқларнинг сўзларини пичирлаб такрорлайдиллар ва маъюс хаёлга чўмадилар. Бу ерда осори-атиқалар мартаба талашадилар.

* * *

Икки қиз, бир ўғилни тарбиялаб вояга етказган Холиқул аканинг музейидаги осори-атиқалар бугунги кунда сон жиҳатидан мингдан ошиб кетди. Маълумки, уй-музей экспонатларини тор жойда, уй шароитида сақлаш қийин. Хоналарнинг ёруғ ва кенг бўлиши, биринчидан, экспонатларнинг яхши сақланишига наф берса, иккинчидан, музейни келиб кўрувчиларга қулайлик туғдиради. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 12 январдаги «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони чиққанидан кейин ҳам Шўрчи туман ҳокимлиги ва «Толли» жамоа хўжалиги бошқаруви томонидан мазкур музейга бирон-бир моддий ёки маънавий ёрдам берилмаган кўринади. Мазкур фармондан келиб чиқиб, туман маданият муассасаси ҳамда вилоят маданият ишлари бошқармаси мутасаддилари ёрдам қўлини чўзсалар, ёмон бўлмасди.

Музей одамларнинг эътиборини тортяпти. Уни БМТ вакиллари, «Амир Темур юрган йўллар бўйлаб» Ҳалқаро илмий экспедицияси аъзолари, Покистоннинг Ўзбекистондаги элчиси жаноб Шавкат Али Шайх, «Далварзинтепа»да текширувлар ўтказган ўзбек-япон экспедицияси аъзоси, япониялик олим Ямаучи Сан, халқаро «Олтин мерос» жамғармаси етакчилигида бир гуруҳ олимлар келиб кўрдилар. Улар қолдирган дастхатларни ўқиб, Холиқул ака қилаётган ишларнинг салмоғи ва савоби қанчалик улкан эканлигига амин бўласиз.



**Ҳар нақшидан тўкилар кўнгил…**

**Холмуҳаммад**
**ТОҒАЙМУРОД**
**Сурхондарё вилояти**

